

Йўл четида ўтирганда нима қилиш лозим?



09:00 / 26.08.2021 2462

Йўл четида улфатлар, қўшнилар, танишлар билан гаплашиб ўтирганларни кўп кўрганмиз. Ўзимиз ҳам баъзан шундай вазиятга тушиб қолганмиз.

Писта чақиб, сув ичиб, сигарет чекиб гаплашиб ўтиришади. Улар кетишаётганда ўзларидан писта пўчоғи, баклашка, сигарет қолдиғи, тупук билан булғанган ҳудуд қолдиришади.

Агар улар бировнинг уйи олдида, девори ёнида шу ишни қилган бўлсалар, мусулмоннинг оstonасини булғаб, унинг қалбига озор берган бўлишади.

Баъзан машинаси борлар машиналарини йўл ўртасига яқин жойга тўхтатиб олиб гаплашаётганини кўриб қоламиз. Бирортаси «Машинани четга олиб, бошқаларга халақит бермайлик» демайди.

Йўл катта бувимиздан мерос қолмаганини, жамоат мулки эканини ҳис қилишимиз лозим.

Йўл четида туришимиз шу қадар муҳим экан, унда мана бу ҳадисга амал қилишимиз шарт.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўлларда ўтиришдан сақланинглари!» дедилар.

Шунда «Бизнинг йўлда ўтиришдан бошқа иложимиз йўқ, чунки гаплашадиган мажлисларимиз йўлларда бўлади», дейишди.

У зот: «Агар йўлда ўтиришдан бошқага кўнмасангиз, у ҳолда йўлнинг ҳақини адо этинглари», дедилар.

Улар: «Йўлнинг ҳақи нима?» деб сўрашди.

У зот: «Йўлнинг ҳақи кўзни тийиш, озор етказишдан тийилиш, саломга алиқ олиш, маъруф ишларга буюриш ва мункар ишлардан қайтариш», дедилар».

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари.

Йўл четида ўтирган одам ҳадисдаги ҳукмларга амал қилиши лозим.

Бир гуруҳ эркаклар йўл четида гаплашиб ўтиришибди, йўлдан аёл киши ўтпти ёки бирор эркак аёли билан ўтмоқда. Шунда улар аёлга назар солмай, кўзни тийишлари керак. Номаҳрамга шаҳват назари билан боқиш ҳаром амал.

Баъзан йўлда бораётган киши гаплашиб ўтирган йигитларнинг ёнидан ўтаётганда, йигитлар қаҳ-қаҳа отиб кулишади. Эҳтимол, улар ўзаро суҳбатдаги латифа учун кулишгандир, аммо ўтаётган киши «Менинг устимдан кулишяптими» деган хаёлда ноқулай аҳволга тушади. Шунинг учун бундай қилиқлардан сақланиб, ўтаётганларга озор бермаслик лозим.

Гаплашиб ўтирганлар ёнидан ўтаётган киши салом берганда ўтирганлардан бири алиқ олиши керак. Саломни эшитиб ҳам индамай ўтиравириш мусулмонга тўғри келмайди.

Йўлда биров биров билан тортишиб қолса, урушса, ўша атрофда ўтирганлар уларни ажратиб, яраштириб қўйишлари, мусулмон бир-бири

билан урушмаслиги лозимлигини тушунтиришлари керак.

Кўчада ёмон иш қилаётган кимсани бу ишдан қайтариш ҳам йўл четида ўтирганлар қилиши лозим ишлардандир.

Аслида муҳим гап бўлмаса, йўл четида тўпланиб ўтирмаслик лозим. Бунда вақт исроф бўлади, йўлдан ўтаётган аёл-қизлар ўзларини ноқулай сезишади.

Бир аёл йўлда бораётиб қоқилиб тушади. Шунда аёл ўрнидан туриб, либосини қоқиб, «Хайрият эркаклар йўқ экан» дейди-ю йўлида давом этади.

Чунки ожиза аёлнинг йиқилганига кулиш эркакнинг иши эмас.

Аллоҳ таоло ҳолимизни ислоҳ қилсин, ҳаммамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади